

## АФФИЛИАЦИЯ МОТИВИ ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Шониязова Ирода Мурадуллаевна

*Самарқанд давлат университети Психология ва ижтимоий муносабатлар факультети  
“Психология назарияси ва амалиёти”  
кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада аффилиация мотивининг (“to affiliate” – “бирлаштирмоқ”, “бирашмоқ”, “инсоннинг бошқа одамлар даврасида бўлишига интилиши”) назарий тадқиқ қилиши, уни кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларининг назарий таҳлиллар баён қилинган. Хорижда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ҳам аффилиация мотивациясининг ижтимоий-психологик ходиса эканлигини тасдиқлайди ва унинг гурухий жараёнлар ва унда фаолият самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишини исботлади. Бундан биз ҳам ўз тадқиқотимиз учун назарий-методологик хулоса чиқардик.

**Калит сўзлар:** креатив тафаккур, эҳтиёжлар, танқидий мотивация, мақсад, психолого мулоқот, қобилият, стереотип, гурух, рационализм ва иррационализм

**Актуальность.** В статье описывается теоретическое исследование мотива аффилиации («присоединяться» - «объединять», «объединять», «стремление человека находиться в кругу других людей»), теоретический анализ социально-психологических факторов, влияющих на формирование учащихся младшего школьного возраста. Многие исследования, проведенные за рубежом, также подтверждают, что мотивация аффилиации является социально-психологическим феноменом и доказывают, что она положительно влияет на групповые процессы и эффективность деятельности в ней. Из этого мы также сделали теоретико-методологический вывод для нашего исследования.

**Ключевые слова:** творческое мышление, потребности, критическая мотивация, цель, психологическая коммуникация, способность, стереотип, группа, рационализм и иррационализм

**Annotation:** The article describes a theoretical study of the motive of affiliation (“to join” - “to unite”, “to unite”, “a person’s desire to be in a circle of other people”), a theoretical analysis of socio-psychological factors influencing the formation of primary school students. Many studies conducted abroad also confirm that affiliation motivation is a socio-psychological phenomenon and prove that it has a positive effect on group processes and the effectiveness of activities in it. From this we also made a theoretical and methodological conclusion for our study.

**Key words:** creative thinking, needs, critical motivation, goal, psychological communication, ability, stereotype, group, rationalism and irrationalism

Мамлакатимизда шаклланаётган кучли хукуқий давлат ва фуқоролик жамияти ўз ижтимоий-иқтисодий асосига эга бўлиши учун демократик жамиятни барпо этишга йўналтирилган хар томонлама баркамол малакали мутахассис кадрларни етиштириб бериши лозим. Бунинг учун бўлажак мутахассисларда мулоқотга интилиш, билишга интилиш, ўзини таъкидлаш, манфаатли ҳамкорликка интилиш каби мақсадлар, эҳтиёжлар, мотивлар мажмуудан иборат бўлган аффилиация мотивациясини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан аффилиация мотивацияси талабани ўқув фаолияти давомида ақлий, англанилган мулоқот жараёнига ўтишга ундейди, талабалар гурухида шахслараро муносабатларни яхшилаб, гурухий жипсликни таъминлайди.

XX асрнинг 20 йилларидан, ҳозирга қадар Ғарбда фақат инсон хулқига ва унинг мотивларига хос қатор мотивация назариялари пайдо бўла бошлади (К.Левин [K. Levin, 1926]; Г.Олпорт [G. Allport, 1937]). Ушбу назарияларда органик эҳтиёжлар билан биргаликда таълим ва тарбия асосида пайдо бўлувчи иккиласи (психоген) эҳтиёжлар ва уларнинг мотивлари масаласига ҳам эътибор қаратила бошланди (Г.Мюррей [H. Murrey, 1938]). Улар қаторида ижтимоий мотивлар сифатида муваффақиятга эришиш, муваффақиятсизликдан қочиш эҳтиёжи, аффилиация, ҳокимиятга интилиш, агрессия, мустақилликка интилиш каби мотивациялар тизимини санаб ўтиш мумкин.

Психологияда мотивация муаммосига бағишлиланган илмий-тадқиқот ишлари ҳам пайдо бўла бошладики, уларда рус ҳамда хориж психологларининг ўрни бекиёс (В.Г. Асеев; В.К. Вилюнас; Е.П. Ильин; В.И. Ковалев; С.Л. Рубинштейн; А.Н. Леонтьев; М.Ш. Магомед-Эми-

нов; В.С. Мерлин; П.В. Симонов; Д.Н. Узнадзе; А.А. Файзуллаев; П.М. Якобсон), шунингдек чет эл психологиясида (Г. Мюррей; А. Адлер; Дж. Аткинсон; К. Левин; К. Мадсен; А. Маслоу; Дж. Роттер; Х. Хекхаузен; Г. Холл ва бош.).

Мотивацион назарияларни келиб чиқиш ва ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, кўпгина назарияларда қадимги юон файласуфларидан Аристотель, Гераклит, Демокрит, Лукреций, Платон, Сократ асаларидағи ғоялар ўртага ташланганлигини кўриш мумкин. Улар мотивацияни “мухтожлик” термини билан атаб, “мухтожлик” ни ҳаёт ўқитувчиси сифатида

Инсон мотивациясининг моҳияти ва келиб чиқиши доимо иккита фалсафий оқим: рационализм ва иррационализм доирасида ривожланган.

Биринчи рационал ва иррационал ғояларни ўзига қамраб олган мотивацион, психологик назариялар қаторига XVII-XVIII асларда пайдо бўлган қарорларни қабул қилиш назариясини ва ҳайвонлар хулқ-авторини иррационал эканлигини исботлашга бағишлиган автоматизм назариясинитаъкидлаш жоиз. Биринчи назария иқтисодиётда, инсон хулқ-авторини математик билимлар асосида тушунтиришда ишлатилган бўлса, иккинчи назариянинг ривожланиши, ташки таъсирларга тирик организмнинг механик, автоматик, туғмажавоб рефлекслари сабаб бўлади, деган ғояга асослангандири. Ушбу - бири инсон, бири ҳайвонот оламига алоқадор мотивацион назариялар XIX асрнинг охирига қадар ривожланиб келди ва фалсафада икки қарама-қарши материализм ва идеализм назарияларини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

XIX асрнинг 2-чи ярмига келиб, биологияда Ч. Дарвин эволюцион назариясининг пайдо бўлиши сабаб, психологида инсон инстинктлари (З. Фрейд, У. Мак-Дугалл, И.П. Павлов) ўрганила бошланди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида З. Фрейд ва У. Мак-Дугаллар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида инсоннинг барча хулқ-авторини туғма инстинктларга боғлаб тушунтириш анъанаси бошланди. З. Фрейд назариясига кўра, инстинктлар уч хил: ҳаёт инстинкти, ўлим инсинкти ва агрессивлик инстинктларидан иборатдир. В. Мак-Дугалл Ч. Дарвиннинг биологик детерминизм таълимотини соддалаштириб, мотивациянинг туғма хусусиятини асослашга, туғма инстинкт билан уни қиёслашга интилди. Бунинг учун муаллиф дастлаб 14 та, кейинчалик эса 18 та инсонларга хос инстинктларни ажратиб ўрганди. Унинг қарашлари кейинчалик бироз ўзгарган бўлсада, лекин детерминистик ғоя сақланиб қолди, инстинктнинг энергияси, туғмалиги, импульсивлиги ғоялари бихевиористик концепция асосида қолаверди.

Аффилиация мотиви терминига келадиган бўлсак, аффилиация инглизча “to affiliate” сўзидан олинган бўлиб, бирлаштироқ, бирлашмоқ маъносини англатади, яъни инсонни бошқа одамлар даврасида бўлишга интилиши тушунилади.


Ушбу мотив яққол намоён бўлувчи ижтимоий характерга эгадир, чунки ушбу мотив бошқа одамлар билан ўзаро муносабат доирасидагина амалга ошади. Мулоқотга бўлган эҳтиёж умумисоний эҳтиёж ҳисобланиб, у инсонни жамоатчилик ва ҳамкорликка интилиш каби фундаментал база асосидагина қурилади.

Х.Хекхаузен аффилиацияни мулоқотга эҳтиёж доирасида ўрганганбўлиб, унинг таъкидлашича, аффилиация ҳар кунлик, лекин шунинг билан биргаликда фундаментал характерга эгадир. У ўзидан психик ҳодиса, мотив, майл, ҳошиш, бошқа одамларга интилишни намоён этади. Унинг асосида мулоқотни амалга оширувчи инсонни эмоционал ва ишончли алоқаларга бўлган ички эҳтиёжи ётади. Одатда у яқин муносабатлар ўрнатишга интилиш, ҳар иккала томонга қоникиш олиб келиш мақсадидаги мулоқот жараёни, биргаликдаги ҳаракатлар мажмуи кўринишида намоён бўлади. Ушбу эҳтиёжнинг мақсади турлича бўлиши мумкин ва ҳатто бир-бирини рад этувчи (яқин муносабатларга эришиш ёки сухбатдошдан ўз мақсади йўлидағойдаланиш) кўринишида ҳам келиши мумкин (Х.Хекхаузен).

Биринчисида муносабатларни ишончлилиги, эмоционал алоқаларга эҳтиёж (Ян Мазуркевич, К.Обуховский) алоҳида таъкидлаб ўтилади. Иккинчисида, инсонни ижтимоий алоқаларга бўлган эҳтиёжи (Брем П.Бруунк), аниқ бир гурухга алоқадорлиги (Д.Макклеланд, Е.В.Трифонов) шунинг билан биргаликда референт гурухга қандай ҳиссиётлар сезишидан қатъий назар бошқа инсонлар жамоасини қидиришга интилиш (Брем П.Бруунк) назарда тутилади.

Бизнинг таърифимизга кўра, аффилиация (алоқа, мулоқот) деганда, инсонлар билан мулоқот ўрнатиш(таниш, нотаниш ва кам таниш инсонлар) натижасида ҳар иккала томонда бирдай қоникиш ҳосил қилишга, мулоқот жараёнини мазмун билан бойитишга ва унга киришиб кетишга ундовчи ижтимоий ўзаро таъсирларнинг маълум бир синфи тушунилади.


Аффилиациянинг функциялари Г.М. Андреева, А.А. Бодалёв, Б.Ф. Ломов, А.А. Леонтьевва бошқаларнинг илмий изланишларида ўрганилиб чиқилган. Рус олимлари қаторида В.Н. Панфёров аффилиация мотивациясининг қуйидаги функцияларини таклиф этади:



**1.1-расм. В.Н. Панфёров бўйича аффилиация мотивациясининг функциялари**

- а) коммуникатив (индивидуал, гурӯҳий ва жамоавий ўзаро таъсирлар даражасида одамларнинг ўзаро алоқаси);
- б) ахборот (сезги, идрок, хотира ва бошқа воситалар асосида амалий тажриба мазмунини жамлаш ва намоён этиш);
- в) когнитив функциялар (тафаккур, тасаввур, фантазия воситаси орқали идрок этилган нарсаларни маъносини англаш);
- г) эмотив функциялар (инсон томонидан одамлар билан бўлган ўз муносабатларини кечирилиши, ҳис этилиши);
- д) конатив функциялари (инсонни у ёки бу қадриятлар тизимиға интилиши);
- е) креатив функциялари (мулоқот жараёнидаги одамнинг яхши томонга ўзгариши) [236;51-60-с.].

Аффилиация мотивининг функциялари акс этган ёндашувлардан бири О.С. Гребенюк, Т.Б. Гребенюкларни бўлиб [85], унда қуидагилар ажратилади: 1) билиш функцияси (ўқитиш жараёнида билимларга эга бўлишни акс эттиради); 2) эмоционал функция (одамлар билан бўлган муносабатларини кечиришини акс эттиради); 3) интегратив функция (аффилиация мотиви ва ўқитиш мотивларининг ўзаро алоқаси асосида пайдо бўлувчи умумий мотивацион доиранинг ўзаро бир-бирини тўлдириши, уйғунлашувини акс эттиради).



**1.2 - расм. О.С. Гребенюк, Т.Б.Гребенюклар томонидан аффилиация мотивининг функциялари акс этган ёндашуви**

Шундай қилиб, хорижда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ҳам аффилиация мотивацияси нинг ижтимоий-психологик ходиса эканлигини тасдиқлайди ва унинг гуруҳий жараёнлар ва унда фаолият самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишини исботлади. Бундан биз ҳам ўз тадқиқотимиз учун назарий-методологик хулоса чиқардик.

Адабиётлар

1. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. - Питер.: Мастера психологии, 2008. – с-58.
2. Кузнецова И.В. Мотив аффилиации в межличностных отношениях: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05 СПб . 2006. □ С-48.
3. Каримова В.М. Глобал ўзгаришлар шароитида шахс ижтимоий хулқини бошқа-ришнинг долзарблиги. // XXI аср психологиаси: назария, амалиёт истиқболлар. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: “Mumtoz soz”, 22 май 2013.□ 32-б.
4. Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е изд. \ Пер. с анг. – СПб.: Питер, 2008.□ С-52.
5. Макклелланд Д. Мотивация человека.□ СПб.: Питер, 2007.□ с- 372.
- 6 Платонов Ю.П. Социальная психология поведения: Учебное пособие.□ СПб.: Питер, 2006.□ С. 50
7. Немов Р.С., Алтунина И.Р. Социальная психология: Учебное пособие. □ СПб.: Питер, 2010. □ С.